

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 223 (10.276)

2004 ЙИЛ 16 НОЯБРЬ

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА Сўзларда

● **АЙНИ** кунларда Юнусобод туман ҳокимлигида туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун малака ошириш курслари махсус дастур асосида фаолият олиб бормоқда.

● **ЯККАСАРОЙ** туманида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими ташаббуси билан энг фаол профилактика инспекторлари ҳамда хизмат вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимларининг оилаларига эсдалик совғалари тўхфа этилди.

● **ЮНУСОБОД** туманида фаоллар, ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари иштирокида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жаноятчилик ҳолатлари содир этилишининг олдини олиш» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** Тошкент шаҳар Реклама ассоциацияси ташкил этилди. Шу муносабат билан «Реклама ахли, бирлашинг» шиори остида уюштирилган тадбирда реклама бозорининг аҳамияти ва уни ривожлантириш истиқболлари муҳокама этилди. Эндиликда Тошкент Реклама фестивали ўтказиладиган бўлди.

● **ПОЙТАХТЛИК** мусиқа шиванадалари учун Латвия мусиқа кечаси уюштирилди. Унда Латвиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳамда Мэннон Уйғур номиндаги Тошкент Давлат санъат институти талабалари, ўқитувчилари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** компрессор заводи» акционерлик жамияти қошида автомобилларга ёқилги филтрлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона фаолият бошлади. Ушбу корхонада мой филтрлари ҳам тайёрланади.

● **СОБИР** Рахимов туманида аҳолига тиббий хизматни яхшилашга мўлжалланган «Гунчамед» клиникаси ташкил этилди.

● **БИР** неча кундан бери «Авиасозлар» маданият саройида иктидорли болалар иштирокида ташкил этилган «Москва — болалар нигоҳида» расмлар танлови якунига етди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва ўз  
мухбирларимиз  
хабарларидан.

Шайхонтоҳур туманида фаолият юритаётган «Kopit» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида тадбиркорлик билан иш юритмоқда.

**СУРАТДА:** туркиялик мутахассис Ошқин Юрдакул билан корхона менежери Вероника Денисова пардалар сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.



**26**  
декабрь —  
Ўзбекистон  
Республикаси Олий  
Мажлиси Қонуни-  
лик палатасига  
ва маҳаллий  
Кенгашларга  
сайлов кунни

## ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ: РЎЙХАТГА ОЛИШ ОЛДИДАН

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлариغا сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талабларига мувофиқ ташаббускор гуруҳлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва сиёсий партиялар депутатликка номзодларни рўйхатдан ўтказиш учун шаҳар сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатларни ўз вақтида топширди. Бу ҳақда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида маълум қилинди.

— Илгари хабар берганимиздек, комиссиянинг олдинги йиғилишида Сувчи, Академик, Дўстлик, Себзор ва Рақат сайлов округларидан бешта ташаббускор гуруҳи рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. — таъкидлаб ўтди шаҳар сайлов комиссиясининг котиби Маъшура Шоисаева. — Деярли ҳар бир тумандан депутатликка ўз номзодларини ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам кўрсатдилар. Уларнинг баъзи бирлари ўз ҳудудда бир нечтадан маҳаллаларни ҳам қамраб олган 31 та сайлов округидан қайд этилган, яъни номзодлар орасида қонунга мувофиқ равишда иккита ёки учта маҳалла фуқаро йиғинларининг умумий мажлисида кўрсатилганлари ҳам бор. Маълумки, асосий сайланувчи субъектлар 60 та сайлов округининг ҳар биридан биттадан номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партиялар бу ҳуқуқдан тўлиқ фойдаланган ҳолда, асосий эътиборни сифат кўрсаткичларига қаратиб, 55-60 нафаргача номзод кўрсата олдилар.

Сиёсий партияларнинг шаҳар Кенгашлари, тегишли ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакиллари депутатликка тавсия этилаётган ўз номзодларини рўйхатдан ўтказиш юзасидан аризалари билан бирга шаҳар сайлов комиссияси номига шунингдек бошқа тегишли ҳужжатлари ҳам тўлиқ тақдим этилди, жумладан депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор, тегишли орган йиғилишининг номзодлар

кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, депутатликка номзоднинг ўз номзоди у ёки бу сайлов округидан овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда айрим тоифадаги шахсларнинг башарти депутат этиб сайлангудек бўладиган бўлса эгаллаб турган лавозимидан озод этилиши тўғрисидаги аризаси ҳам шулар қаторидандир. Хусусан, судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ихроия органларининг мансабдор шахслари (шаҳар ҳамда туман ҳокимлари бундан мустаъно) агарда депутат этиб сайлансалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўлаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар.

Энди шаҳар сайлов комиссияси 14 ноябрдан бошлаб етти кун муддат ичида барча топширилган ҳужжатларни текшириб чиқади ва уларнинг тегишли қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида ҳулоса чиқаради. Депутатликка номзодларни рўйхатга олиш вақти сайловларга 35 кун қолганида тўхтатилади.

Шаҳар сайлов комиссиясининг юқоридан маълумотларига нисбатан кўпчиликни қизиқтириши мумкин бўлган айрим таққослама рақамларни келтириб ўтишни лозим топдик. Хусусан, 1999 йилдаги Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига бўлиб ўтган сайловларда ўзини ўзи бошқариш органларидан 47 та, ташаббускор гуруҳлардан 9 нафар номзод депутатликка номзодлар рўйхатидан ўтган. Сиёсий партияларга келса, уларнинг таркиби ҳам

анча фаол бўлган. Ўрта ҳисобда ҳар бир округ бўйича 3-4 нафардан номзод қайд этилган.

Бу йилги сайловларда икки томонга — сайланадиган субъектларга ҳам, уларга овоз берувчи электорат аъзоларига ҳам осон бўлмайдиганга ўхшайди. Деярли ҳар бир округдан бештадан номзод тўғри келмоқда, шундай ҳам бўлиши мумкинки, баъзи округлардан олтидан кишининг номзоди кўрсатилади. Ҳақиқий манзаранинг қандай бўлиши эса 21 ноябрдан кейин — рўйхатга олинган номзодлар аниқланиб, бу ҳақда маҳаллий матбуотда хабар чоп этилганидан сўнг аниқ маълум бўлади.

Сайлов округларида ҳам қизгин тайёргарлик ишлари давом этмоқда. Айни пайтда барча округ сайлов комиссиялари аъзолари мандат, раислари — махсус гувоҳномалар билан таъминланган. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, округ сайлов комиссиялари ҳар бир депутатликка номзоднинг учтага ишончли вакилини рўйхатдан ўтказиб, уларга гувоҳнома бериш (факат номзодлар рўйхатига аниқлик киритилганидан сўнг, албатта), шунингдек сайловларга 15 кун қолганида ҳар бир сайлов субъектининг биттадан кузатувчисини қайд этиш ва махсус кўринишдаги мандат топшириш ваколатига эгадир. Бундан ташқари, сайловлардан кейин округ сайлов комиссиялари халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати этиб сайланган депутатларга вақтинчалик гувоҳнома ҳам беришга ҳақлидир.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

## XXI саҳоси

Барча илмийлашлардан олдинги сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Тошкентда НАТО илмий кўмитаси шафёулигида «Марказий Осиё мамлакатлари учун қайта тикланадиган энергиянинг илғор технологиялари: иқтисодий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари» мавзусидаги халқаро семинар бошланди.

● Тошкент Гёте институти Ўзбекистон Бадий академияси ва IFA Халқаро муносабатлар институти билан ҳамкорликда Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида «Онгли ва оддий. Махсулот мўқобил маданиятининг пайдо бўлиши» мавзусида мебель дизайни кўргазмасини ташкил этди.

● Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида Латвия Республикаси эълон қилинган кунга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

● Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги маркази Бухоро вилояти божхона бошқармасида ўқ-дори ҳамда энгил куролларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш мавзусида ўқув-тренинг ўтказди. Унда ҳар бир округдан бештадан номзод тўғри келмоқда, шундай ҳам бўлиши мумкинки, баъзи округлардан олтидан кишининг номзоди кўрсатилади. Ҳақиқий манзаранинг қандай бўлиши эса 21 ноябрдан кейин — рўйхатга олинган номзодлар аниқланиб, бу ҳақда маҳаллий матбуотда хабар чоп этилганидан сўнг аниқ маълум бўлади.

● Гулистондаги «Мос Ян Текс» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси тўрт ой ичида 30 миллион сўмлик трикотаж махсулотлари ишлаб чиқарди.

● Навойдаги «Сўғдиёна» спорт мажмуида баскетбол бўйича аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат Кубогига мусобақаларида Навоийнинг «НИКА» баскетбол жамоаси голибликни қўлга киритди.

### Жаҳонда

● Литва парламенти Европа Иттифоқи Конституциясини тасдиқлади ва шу тариқа Литва ЕИнинг асосий қонунини ратификация қилган биринчи давлат бўлди.

● Ироқнинг Ал-Фаллужа шаҳрида америкалик ва ироқлик ҳарбийлар ҳамкорлигида ўтказилган амалиётлар ўз ниҳосига етди. 1200 жангари йўқ қилинган ҳолда шаҳар коалиция кучлари қўлга ўтди.

● Хиндистонда Дивали — оловлар фестивали байрами бошланди. Яхшилик кучларининг ёмонлиқдан устун келиши моҳиятига эга ушбу байрам 5 кун давом этади.

● Греция ҳукумати шу йил Афинада ўтказилган ёғи Олимпиада сарф-харажатларини тўлалигича ҳисоблаб чиқди. Улкан спорт байраминини ташкил этиш учун 9 миллиард евро сарфланган бўлиб, бу аввалги Олимпиада харажатларидан тўрт баробар кўпдир.

*Иқтисодий*

**ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**

«Эркин ота» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси талбиркорлари ишлаб чиқараётган полиэтилен қувурлар сугорини ҳамда канализация тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Корхонада Россиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ёрдамида ушбу қувурлар иккиламчи хом ашё — ишлатилган чикинди полиэтилен буюмларини қайта ишлаш асосида тайёрланади. Диаметри 15 миллиметрдан 110 миллиметргача бўлган полиэтилен қувурлар айниқса, республикамиз вилоятларида кенг қўлланилмоқда.

— Бугунги кунга келиб маҳсулотларимизнинг турлари 9 хилдан ортиб кетди, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Носиров. — Республикамиз бўйича ширкат ҳўжаликлари ҳамда кўчма механизациялашган жамланмалар буюртмаларини вақтида ва сифатли бажарамиз. Талбиркорларга берилётган молиявий кўмакдан самарали фойдаланиб, «Савдогарбанк»нинг Зангиота туман бўлимидан 20 миллион сўм кредит олганмиз. Уни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратганмиз.

Талбиркорлар «Шўртанга» корхонаси билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, келгусида полиэтилен плёнкаларни ишлаб чиқаришни режалашган. Албатта, бунинг учун янги дастгоҳ ва ускуналар олиш кўзланмоқда. Уларнинг асл мақсади четдан келтириладиган маҳсулотдан бирмунча арзон, сифати эса асло қолтирмайдиган товарларни буюртмачиларга етказиб бериб, ички бозорда ўз ўрнига эга бўлишидир.

**ЎЗЛАРИ ЎРНАТИШМОҚДА**

Пойтахтимиз ва республикамиз вилоятларида амалга ошириляётган бунёдкорлик ишларида, замонавий иншоотларнинг қад ростилашда шахримизда фаолият кўрсатаётган «Эмж иншоот» хусусий фирмаси маҳсулотларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Корхона талбиркорлари нафақат замонавий иншоотларни бунёд этишда қўлланиладиган алюмин ром ва эшиклар ишлаб чиқаришмоқда, балки уларни ўрнатиб беришда ҳам ғайрат кўрсатишяпти. Улар асосан Туркиядан келтирилган сифатли хом ашёдан самарали фойдаланиб, лойиҳа асосида тасдиқланган объектларда меҳнат қилишади. Буюртмага кўра маҳсулотлар турли ҳажм ва кўринишда тайёрлаб берилади.

Чидамли ва бир йиллик кафолатга эга бўлган корхона маҳсулотларининг айна пайтда харидорлари сафи кенгайиб бормоқда. Шу боис ҳам улар келгусида ишлаб чиқаришни кенгайтириш баробарида, маҳсулот турларини ҳам кўпайтиришни режалашган. Яқин келгусида эса буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида республикамизнинг Хива, Жиззах ва Андижон шаҳарларида ҳам корхона филиаллари очишга саёй-ҳаракат қилинмоқда.

Шарофат БАХРОМОВА

*Конституциянинг асослари ва амал қилмоқда*

**ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ**

Ўзбекистон Республикаси сўнгги йиллар ичида босқичма-босқич давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш сиёсатини амалга оширмоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги ислохот мазмуни, ҳуқуқий мақоми, уни тузиш тартиби ва фаолиятининг асослари Конституциянинг 18-бобида қайд этилди. Конституциянинг 76-моддасида кўрсатилганидек, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламент тусида бўлиб, қонун лойиҳалари ва қонун ҳужжатларини пухта ишлаб чиқиш ваколатларига эга ва ваколат муддати беш йилдир.

Албатта, бундай сиёсий жараёнларда сайлов тизими алоҳида ўрин эгаллайди. Демак, сайловларда фуқароларимиз томонидан шунчаки сайловда иштирок этиш эмас, балки, қонунчилик жараёнини яхши натижа бериши учун билимли, заковатли кишилар учун овоз бериш масъулияти туради.

Конституциявий ҳуқуқларимизга кўра, яъни Конституциянинг 77-моддасида «Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муким яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутаты, (қўйи палата — Қонунчилик палатаси), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата — Сенат) аъзоси бўлиши мумкин.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенати аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Шу боис, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳужжат меъёрларини билиш жуда муҳимдир. Ҳар қандай сайловларнинг натижалари фуқароларнинг эркин, адолатли иштирок этишларида маълум бўлади. Албатта, фуқароларимизнинг сиёсий фаолиги давлат ҳокимиятининг амалга оширилиши ва давлатнинг ривожланиши учун кафолат бўлиб хизмат қилади.

Шу билан бирга, сайловларнинг ўтказилиши сайловчиларга яхши раҳбар ва вакилларни тўғри танлашни таъминлайди.

Чунки, бу жараёнда уларнинг ўзи бевосита иштирок этар эканлар, ўзлари учун маълум номзод кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга бўлиб, бу ҳуқуқни ташаббускор гурӯҳ

орқали амалга ошириш имкониятига эгадирлар. Шунинг учун, бугунги кунда сайловларнинг ҳақиқий қонун талаблари бўйича бўлиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Конституциямизнинг 23-боби, 118-моддасида қайд этилганидек, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади».

Шунинг учун, фуқаролар номзодлар ва уларнинг дастурлари ҳақида тўла ва тўғри маълумот олиш ҳуқуқига эга эканлар, номзодлар билан учрашувлар ўтказилиши, ким, қачон, қаерда ва қандай қилиб рўйхатга олиниши каби маълумотларни ўз вақтида билишлари лозим.

Шулар қаторида муҳим вазифалардан яна бири, бу — мамлакатимиздаги ўтказилган сайловлар жараёнларининг умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаб белгилашидир. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мазмун-моҳиятига кўра ўз ифодасини топди. Бунда БМТнинг урта халқаро ҳуқуқий аклари «1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси», (1966 йил) «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт ҳамда (1952 йил) Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоялаш тўғрисидаги Европа конвенцияси муҳим ўрин тутди.

Албатта, сайловларни ўтказиш сайлов тайинланган дақиқадан то овоз бериш натижаларини эълон қилгунга қадар бир неча босқичда амалга оширилади.

Сайлов жараёнининг асосий босқичлари қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий

ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бунда кимнингдир ҳоҳиши маъжур жараёнга таъсир этишига йўл қўйилмайди. Сайловлар демократик принциплар асосида, жамоатчиликнинг кенг эътибори остида ўтказилади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганлик ҳолати кузатилса, бу учун жавобгарлик қуйидагича: сайловчиларнинг сайлаш ва сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини амалга оширишларига зўравонлик, алдаш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатиш, шунингдек сохта сайлов ҳужжатларини тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунларининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гурӯҳларининг аъзолари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Шунингдек сохта сайлов ҳужжатларини тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунларининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гурӯҳларининг аъзолари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади. Шунингдек сохта сайлов ҳужжатларини тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, яширин овоз беришни бузган ёки сайлов қонунларининг бошқа тарзда бузилишига йўл қўйган сайлов комиссияларининг аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар, сиёсий партияларнинг вакиллари, сайловчилар ташаббускор гурӯҳларининг аъзолари қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча сиёсий ислохотларнинг ҳуқуқий асосидир. Конституцияда бевосита сайлов тизимидаги янги тартиблар ва сайлов муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг йўналишлари белгилаб берилган. Бу эса, Ўзбекистон Республикасининг демократик ҳуқуқий давлат қуришда ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда дадил қадамлар қўйётганлигининг яқол исботидир.

**Феруза МУХИДДИНОВА,**  
Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди.



Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чоралар тўғрисида»ги Фармонида республика «Маҳалла» жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари тузилмасига тарбиячи-педагог лавозимини ўрнига ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллаларда, таркибида маҳалла ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларини жорий этиш лозимлиги кўзда тутилган эди. Айни дамда барча туман маҳаллаларида ушбу фармон ижросини ўрганиш ишлари амалга оширилмоқда.

*Маънавият*

**БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА**

Жумладан, Яккасарой тумани ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими ҳамда тумандаги мустақил вакиллар гурӯҳи биргаликда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида иш бошлаганлар фаолияти билан яқиндан танишишди.

— Диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларига ҳаёт тажрибасига эга бўлган, биринчи навбатда ёшларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ибратли миллий-диний анъаналар ҳамда урф-одатларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларида

ижобий таъсир ўтказа оладиган энг обрўли ва фаол хотин-қизларни тайинлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди жумладан «Маънавият ва маърифат» маркази туман бўлими раҳбари Мухаббат Фозилова. — Биз маҳаллаларда бўлиб, маслаҳатчилар билан суҳбатлашиб, уларга бир неча саволлар билан муурожаат этдик. Уларнинг бижамат қай даражада эканлигини текшириб кўрдик. Маслаҳатчиларнинг диний билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент Ислам университетида ўқув курслари ташкил этиш зарурлиги белгилаб олинди.

Озода РАҲМАТОВА

**ГРАНТ ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Жаҳон банки, Швейцария ҳуқуқати ва ЮНИСЕФ жамғармаси томонидан тақдим этиладиган қиймати 2,8 миллион долларга тенг грант шартномаси имзоланди.

Мазкур грант Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан оилада тиббий маданиятни ошириш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод туғилиши ва тарбиясига оид устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган мақсадли дастурни қўллаб-қувватлаш доирасида ажратилди.

Ушбу грант маблағи республикамизнинг 34 йirik ун комбинатиде таркиби темирга бой бўлган моддалар (В1, В2 витаминлари, фолия кислотаси, темир, кўрғошин ва бошқа қўшимчалар) билан унни тўйинтириш учун лаборатория ва технологик ускуналар етказиб беришга сарфланади. Шунингдек, мазкур ун комбинатларини уч йил давомида таъминлаш учун етарли бўлган қўшимчалар (премиксулар) етказиб берилади.

Лойиҳа Осие тараққийёт банки томонидан «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг 14 ун комбинатиде 2002 йилдан бошлаб амалга ошириб келинаётган қиймати 1,2 миллион долларга тенг ана

шундай лойиҳанинг давомидир.

Темир моддасига бой бўлган озиқ-овқат қўшимчалари билан тўйинтирилган ун инсон организмда элементлар танқислигининг олдини олади. Бундай элементларнинг организмда етишмаслиги қон касаллигига ва умуман соғлиқнинг ёмонлашувига олиб келади.

Шундай қилиб, 48 ун комбинатиде ишлаб чиқариладиган ун халқаро стандартларининг барча талабларига жавоб беради, айни чоғда ўзининг мазаси ва сифатини сақлаб қолади.

Тўйинтирилган унни ишлаб чиқаришга кетадиган бошқа қўшимча сарф-харажатлар давлат бюджети ҳисобидан қопланади.

Мутахассисларнинг фикрича, лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилиши туғиш ёшидаги ва ҳомилалар аёллар ҳамда болалар орасида камқонликни сезиларли даражада пассивлаштириш ва бутун аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

ЎЗА

*Маълум*

**АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯ-  
ЛАРИ  
НЕГИЗИДА**

Тошкент Давлат авиация институтининг ахборот ва компьютер технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Олий ўқув юртининг «Учиш аппаратлари ва аэропортлар радио электрон жиҳозлари» кафедрасида ҳам бундай жараёнлар фаол йўлга қўйилган.

Бу эса кафедрада мутахассислар малакасини ошириш учун ҳам мустаҳкам негиз яратиб берди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконпанияси ходимларини ахборот технологиялари асосида ўқитишга ҳам киришилди.

Таълим жараёнида янги ахборот технологияларини амалиётда қўллаш мақсадида қатор услубий ишланмалар тайёрланди.

Бундай имкониятлардан фойдаланиш учун кафедра яна қатор корхоналар билан ҳамкорлик шартномасини тузди.

**МУШТАРАК  
МАВЗУ**

Тошкент Давлат техника университети хориждаги бир неча олий ўқув юртлири билан яқин алоқа боғлаган. Германиядаги Штутгарт электрстанциялари технологияси институти билан ҳамкорлик ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Университетнинг Иссиқлик энергетикаси факультети аспиранти Эркин Матжоновнинг бу негиз олий ўқув юрти профессори Клаус Хайно билан бирга олиб бораётган изланиши ҳам диққатга сазовордир.

Иссиқлик электрстанцияларини модернизациялаш муаммоси бу ҳар икки тадқиқотчи учун муштарак мавзуга айланди. Хозирнинг ўзидаёқ станциялар мустаҳкамлигининг ишончли бўлишини таъминлашга оид тавсиялар амалиётда жорий этилмоқда.

Бу изланиш натижаси Германиядаги децентралиштирилган энергия конверсияси департаментига ҳам тавсия этилади.

**МАГИСТРЛАР —  
ДАРСЛИК  
МУАЛЛИФЛАРИ**

Кейинги йилларда Тошкент Кимё-технология институти олимлари томонидан қатор электрон ўқув дарсликлар яратилди.

«Кимё-технологик тузилмалари синтези» деб номланган электрон дарслик эса яқинда босмадан чиқди.

Шуниси эътиборга сазоворки, ушбу ўқув адабиётининг ёзилишида олий ўқув юртининг аспиранти Анвар Раҳимов ва магистр Акбар Раҳимовлар ҳам муаллифлар сифатида қатнашдилар. Институт илмий-услубий кенгаши қарори билан босмага тайёрланаётган янги дарсликка бир магистр муаллиф сифатида жалб этилади.

Хозир навбатдаги электрон ўқув дарсликлардан бир нечаси устида иш олиб борилмоқда. Уларни яратишга изланувчан истеъдодли талаба ёшлар ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

**Анвар ВАЛИЕВ**

Масалан, янги иш бошлаган ёш тадбиркор самарасиз елиб-югуришлар туфайли бир ойдан ошдики, ҳалигача маҳсулоти учун сертификат ололмади. Хўш, бунга ким айбдор? Энди иш бошлаган тадбиркорни ёки қонун-қоидаларни яхши билган, ammo тадбиркорларга зарур тушунчалар беролмаган мутахассисми? Узоқ қутилган сертификат тадбиркор қўлига тегди ҳам дейлик. Ammo яна бир йилдан сўнг улар олдида янги елиб-югуришлар бошланиб кетиши табиий эди. Чунки маҳсулот учун сертификат мuddати атиги 1 йилни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотлар» ни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»-ги қарори юқоридаги муаммоларга барҳам бериб, тадбиркорларимиз оғирини енгиллаштирди. Ушбу қарорга

— Вячеслав Алексеевич, тизимдаги корхоналарда долзарб вазифа — қишга тайёргарлик ишлари ниҳоясига етдимиз?

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги 228-сонли «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2004-2005 йил куз-киш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарори ва 18 майда Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлис қарорига биноан, компания корхоналарини қишки мавсумга сифатли тайёрлаш мақсадида 2004 йил 20 майда компания бўйича буйруқ чиқарилди ва ўтган қишки даврда йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда барча корхона раҳбарларининг эътибори қўллаб масалаларга қаратилди.

Шу асосда барча автоторхоналарда қишга тайёргарлик белгиланган режа бўйича амалга оширилди. Хозирги кунда ҳаракат воситаларига техник хизмат кўрсатиш ишлари бажарилди ва улар қишга тайёрланди. Хайдовчилар, шунингдек, биринчи марта қишда ишлаётганлар билан алоҳида тарзда қўшимча йўриқномалар ўтказилди.

Корхоналарда ишлаб чиқариш хоналари, маъмурий бинолар, цехлар таъмирланди. Иссиқлик тизимлари, қозонхоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари қишки мавсумга тайёрланиб 2,4,7-автобус саройларида қозонлар капитал таъмирланди, 4-автобус саройида ишлаб чиқариш биноси замонавий тарзда қайта ишланди, 2519-автоторхонада ишчиларга яхши шaroитлар яратилди — қийим алмаштириш ва ювиниш хоналари замонавий қилиб таъмирланди ҳамда янги назорат пункт қурилиши тугаланиши арафасида. 8-сонли автоторхонада янги замонавий ёнилғи қуйиш шохобчаси қурилди ва ишга туширилди. 5-сонли автоторхонада янги ёнилғи қуйиш шохобчаси қурилиши давом этяпти. Келаси йилги бундай қурилиш 1,3,18-автобус саройларида ҳам амалга оширилди. Носолиқларни тиклаш автоторхонасида бу йил катта ишлар амалга оширилди. Корхона томи бутунлай янгиланди, ишлаб чиқариш цехлари капитал таъмирланди, автотранспорт ва механизмлар тартибга келтирилди. Қўшимча даромад олиш мақсадида корхона ҳудудда автотранспорт техника хизмат кўрсатиш бўлинмалари ташкил этилди, янги замонавий қушона қурилди. Трамвай йўллари хизмати жамоаси ғайрат-шижоати билан трамвай йўллари таъмирлаб тартибга келтириш бўйича ибратли ишлар бажарилди. Бундан ташқари, компаниянинг деярли ҳамма автоторхоналари, трамвай-троллей-

*Қарор ва ижро*

**МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТИ  
СИФАТНИ БЕЛГИЛАЙДИ**

Маълумки, тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулотини бозорда сотиши керак. Бунинг учун энг аввало унга мувофиқлик сертификати олиши зарур. Ammo хозирда тадбиркорнинг олдида худди шу сертификатлаш муаммоси турибди. Кўра сертификатлаштирилган маҳсулотлар рўйхати 30,1 фоизга қисқартирилди. Илгари маҳсулот учун сертификатнинг амал қилиш мuddати 1 йил қилиб белгиланган бўлса, янги қарорда ушбу мuddат 3 йил қилиб кўрсатилди. Яна ушбу қарорнинг афзалликлари шундаки, илгари тадбиркорлардан маҳсулотга 10дан ортиқ ҳужжатлар талаб қилинса, хозирда сертификатлаш 2 босқичда амалга ошириладиган бўлди. Бунга кўра маҳсулотга мувофиқлик ва гигиеник сертификатлари олиш кифоя. Эндилик-

бус деполари ва метрополитен жамоаси хашар йўли билан трамвай йўллари тозалаш, эскирган питаларни олиб ташлаш, керамзит ва майда тош ётқизиш учун жалб этилди.

1,2,3,5,7,18,2519 - автобус саройларидаги қозонхоналар учун керакли микдорда — 100 фoиз 595 тонна суюқ ёнилғи — мазут йилгиди.

Хозирги кундаги соҳадаги моддий қийинчиликларга қарамай, компания корхоналари томонидан, қишки мавсумда Тошкент шаҳрида транспорт хизмати кўрсатиш ишларини юқори савияда олиб бориш бўйича

ҳамда гигиеник сертификатларининг берилиш тартиби ва мuddати тўғрисида мутахассислар қарордан келиб чиққан ҳолда атрофлича тушунириб ўтилди.

Шунингдек, семинарда қабул қилинган қарорнинг су-стакшилик билан бажарилаётганлиги, тадбиркорлар сертификатлаштириш муаммоси билан тегишли идоралар оstonасида сарсон бўлаётганликлари ва ушбу муаммоларга барҳам бериш зарурлиги тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Маълумки, тадбиркорлар юртимиз иқтисодиёти ривожига муҳим ўрин тутади. Албатта, уларга яратилган шaroитлар эртанги кунимиз юксаклигини белгилайди. Шундай экан, ҳар биримиз ўз вазифамизга сидқидилдан ёндошсак, қарор ижросини таъминлашда су-стакшиликка йўл қўйилмаса, муаммолар ҳам ўз-ўзидан барҳам топади.

**(Ўз мухбиримиз)**

жада сақлаб туриш имконини бермоқда. Ўз вақтида сервис хизмати кўрсатилиши қисмларнинг узоқ мuddат ишлаш имконини ўзайтиради. Оригинал эҳтиёт қисмлардан фойдаланиш кўпроқ валюта маблағларининг сарфланишига олиб келишини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиб, автобусларнинг алоҳида қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бизнинг олдимиздаги мураккаб масала эди. Хозирги кунда бу масала ҳал этилди. Маҳаллий корхоналарда автобусларнинг резина-техник деталлари, кузов қисмлари, бошқарув механизми деталлари, ойналар, бамперлар ва бошқа кўплаб қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва иш самаралари давом этмоқда. Хозир янги модификацияли «Мерседес-Бенц Конекто С» русумли «Евро 3» двигатели ўрнатилган автобус Тошкент шаҳрида тест синовларидан ўтмоқда.

Автобуслар сони кўпайганлиги сабабли апрель ойда 7-автоторхона ҳудудида «Мерседес-Бенц» марказининг 3-шоҳобчаси очилди ва 4,7,12-автобус саройларининг автобусларига сервис хизмати кўрсатиш шу ерда ташкил этилди.

2005 йил инвестиция дастурига кўра 500 та «Мерседес-Бенц Конекто С» русумли автобуслар харид қилиниши кўзда тутилган бўлиб, техник иқтисодий ҳисоблар ишлаб чиқилди ва тегишли вазирликларга юборилди. Бундан ташқари, бу автобусларни харид қилиш бўйича «Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компанияси ва «Эво Бус ГмбХ Мерседес-Бенц автобуслари» компанияси билан шартнома имзоланди. Хозирги кунда бу дастури амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилган.


Германияда ишлаб чиқарилган замонавий «Ситро 0 530», Россиядан келтирилган «ЛАЗ-52523» русумли автобусларнинг тасарруф синовлари давом этмоқда. Россиянинг «Нефаз» русумли автобусларнинг тасарруф синов тугади ва бу русумдаги автобусларни сотиб олиш бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилди. Шунингдек, кадрлар масаласини ҳал этиш, чиптачи ва хайдовчиларнинг хизмат маданиятини ошириш хусусида ҳам муҳим ишлар олиб бориламоқда. Жамоат транспортларининг бекаатларда ортиқча туриб қолиш ҳоллари текширилиб, уларни бартафур этиш учун чора-тадбирлар кўриломоқда. Саъй-ҳаракатларимизнинг ҳаммаси нафақат қишки мавсумни муваффақиятли ўтказиш, балки пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига намунали хизмат кўрсатиш учун ҳам омил, албатта.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА  
ёзиб олди.**

*Қиш тайёргарлигини ёқтиради*

**ЙЎЛОВЧИ ТРАНСПОРТИ  
МАВСУМГА ШАЙ**

Қишнинг қировли, ёнғин-сочинли кунларига барча соҳа ходимлари тайёргарлиқни ниҳоялашмоқда. Жумладан, «Тошшаҳарйўловчтранс» акциядорлик компаниясининг мавсумга хозирлиги хусусида модернизация, инвестиция ва технология қайта жиҳозлаш бош бошқармаси бошлиғи Вячеслав Алексеевич КИМ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.



ҳамма керакли чоралар кўриломоқда. — Компаниянинг ҳамкорлар билан тузган янги шартномалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

Қиш мавсумига ҳаракат воситаларини тайёрлаш ва янгилаш катта аҳамиятга эга долзарб масала ҳисобланганлиги учун ҳам ҳукуватимиз гамхўрлиги туфайли, 2004 йилда Германиянинг «Эво Бус ГмбХ Мерседес-Бенц автобуслари» компанияси билан 300 та автобус харид қилиш бўйича имзоланган шартномага биноан, охириги 100 та «Мерседес-Бенц О 345» русумли автобуслар келтирилди ва пойтахт қўчаларига йўловчи ташиш учун қиқарилди (200 таси 2003 йилда келтирилган эди). Бугунги кунга келиб пойтахтимиз йўналишларида қатнаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобусларнинг умумий сони 578 тага етди.

Компания таркибига 1995 йилда «Мерседес-Бенц» автобусларида сервис хизмати кўрсатиш маркази ташкил этилганлиги мазкур автобусларни юқори техник дара-

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари, депутатликка номзодларнинг оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида НИЗОМ

Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига (бундан буён матнда — Қонунчилик палатаси) сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, мустақил ташаббускор гуруҳларига Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси пайтида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади.
2. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишнинг шакли, усуллари ва мазмунини мустақил белгилайдилар.
3. Депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда суистеъмолликка йўл қўйилмайдиган.
4. Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларида мазкур Низомда белгиланган тартибда фойдаланиш мумкин эмас.

16. Телевидение ва радионинг ахборот дастурларида, матбуот нашрларида сайловолди ташвиқоти ўтказилиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида ахборот блоки билан берилиши ҳамда уларда депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари учун ажратилмайдиган эфир вақти ва босма майдон ҳажми тенг бўлиши керак.
17. Сайловолди ташвиқоти материаллари уларни тақдим қилган депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг розилигисиз тахрир қилиниши мумкин эмас.
18. Сайловолди ташвиқоти материалларини эълон қилмайдиган даврий матбуот нашрларининг тахририятлари бирор-бир депутатликка номзодга, сиёсий партияга ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳига нашр тиражи ёки даврийлигини ўзгартириш йўли билан устуни беришга ҳақиқ эмас, сиёсий партиялар ёки депутатликка номзодлар томонидан таъсис этилган нашрлар бундан мустасно.
19. Оммавий ахборот воситасининг ходими депутатликка номзод этиб рўйхатга олинган тақдирда у сайловчилар билан учрашувлар, сайловолди ишларида, телевидение ва радиода чиқишлар уларнинг даврида сайлов ўтказишга ажратилмайдиган маблағлар ҳисобидан ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда хизмат вазибаларини бажаришдан озод этилади.

III. Оммавий ахборот воситаларининг ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдон
11. Давлат оммавий ахборот воситаларида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдон ажратилиши мумкин.
12. Нодавлат оммавий ахборот воситалари депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига ҳақ тўланадиган эфир вақти, босма майдон ажратилиши мумкин.
13. Сиёсий партиялардан номзодларнинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташвиқот ташвиқоти олиб борганликлари учун маблағлар белгиланган тартибда сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан номзодларнинг ташвиқот фаолияти учун — тегишли округ сайлов комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан ўтказилади.
14. Ҳақ тўланадиган эфир вақти ёки босма майдон ажратиш билан боғлиқ муносабатлар оммавий ахборот воситалари редакциялари ва тегишли сиёсий партиялар, округ сайлов комиссиялари (сайловчилар ташаббускор гуруҳидан депутатликка номзодларнинг манфаатларидан) ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.
15. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилмайдиган ахборот ҳақиқатга тўғри келиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 27-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқоти даврида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг шарт-шароитлар яратиш, сиёсий партияларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш имкониятини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Қ А Р О Р К И Л А Д И:

- 1. Сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва улар томонидан кўрсатилган депутатликка номзодларнинг барча давлат оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари алифбо бўйича, яъни қуйидаги тартибда амалга ошириلسин:
1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси;
2. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси;
3. Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази;
4. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси;
5. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси;
6. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.

Мазкур қарорда оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларнинг белгиланган тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назорат, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча оммавий ахборот воситаларида жорий этилсин.

2. Республика телевидениесининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" телеканаллари, шунингдек республика радиосининг "Ўзбекистон" ва "Ёшлар" радиоканалларида сиёсий партиялар, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди кампанияси даврида чиқишларининг ҳафталик жадвали 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталарида ҳар ҳафтада сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг чиқишлари учун ажратилган босма майдон ва нашр қилиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти даврида чиқишлари улар ташвиқот олиб бораётган ҳудудда маҳаллий давлат телевидениеси, радиоси ва даврий матбуот нашрларида алифбо тартибда амалга оширилсин.

5. Сиёсий партияларнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги органлари, мазкур ҳудудлардан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар «Тошкент» телеканалидан ва «Дўстлик» радиоканалидан фойдалансинлар.

6. Сиёсий партиялар, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, депутатликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш учун тенг шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2004 йил 18 сентябрдаги 198-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши тартиби тўғрисида»ги Низом талаблари доирасида амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Р.Шогуломов) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов бўйича сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакиллари, депутатликка номзодларнинг республика оммавий ахборот воситаларида чиқишлари мониторингини юритсин.

8. Бу борадаги маълумотлар ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

9. "Утелерадио"компанияси (А.Кўчимов), "Халқ сўзи", "Народное слово" ва "Правда Востока" газеталари тахририятлари (А.Усмонов, Б.Ҳасанов), шунингдек, маҳаллий даврий матбуот нашрларининг тахририятлари сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг вакиллари ҳамда депутатликка номзодларнинг тегишли оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти доирасида чиқишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

10. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари С.Ходжаева зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Б.МУСТАФОЕВ

Table with 6 columns: № т/р, Ҳафта кунлари, Сиёсий партия ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, УЎТВ-1, «Ёшлар» телеканали, «Ўзбекистон» радиоканали, «Ёшлар» радиоканали. Rows 1-6.

Изоҳ: Ҳар бир сиёсий партияга, мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш марказига бир хил эфир вақти, яъни ҳафтасига 40 дақиқадан, шу жумладан кўрсатув (эшиттириш)га 15 дақиқадан 2 марта, 5 дақиқа – сиёсий партия етакчисига, 5 дақиқа – теле(радио)роликлар учун ажратилади. Теле(радио)роликлар ҳафта давомида барчаси (бтаси) ёнма-ён ва бир вақтда берилади.

2-илова Сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини «Халқ сўзи» газетасида нашр қилиш жадвали

Table with 5 columns: № т/р, Ҳафта кунлари, Сиёсий партия ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, биринчи саҳифа, иккинчи саҳифа. Rows 1-3.

Сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини «Народное слово» газетасида нашр қилиш жадвали

Table with 5 columns: № т/р, Ҳафта кунлари, Сиёсий партия ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, биринчи саҳифа, иккинчи саҳифа. Rows 1-3.

Сиёсий партиялар ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакилларининг сайловолди ташвиқоти материалларини «Правда Востока» газетасида нашр қилиш жадвали

Table with 5 columns: № т/р, Ҳафта кунлари, Сиёсий партия ва мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази, биринчи саҳифа, иккинчи саҳифа. Rows 1-3.

Изоҳ: Газетанинг ҳар бир сонида сайловолди ташвиқоти материалларини нашр қилиш учун газетанинг иккинчи саҳифаси ажратилиб, бу ҳақда биринчи саҳифада қисқача анонс ҳам бериб турилади. Агар сешанба ва чоршанба кунлари расмий хабарлар қўпайса, сайловолди ташвиқоти материаллари нашр қилинишининг жадвали белгиланган муддати кейинги кунга қўчирилиши мумкин.

Шарқ дурдоналари

**Оз-оз ўрганиб**  
Домо бўлиб...

• Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдиға келиб, Аҳнаф ҳақида қўрқинчли уйдирма ғийбат гапларини гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмаки кишининг ёлғончи ва ғийбатчиликни айтиб, ўзини оқлашга киришди. Мусъаб деди «Унинг айтган гапларига адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда эди ғийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

• **ҲИКМАТ.** Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди.

**Байт:**  
Бойлигинг роҳатинг бўлса ҳам сенга,  
Фано губоридан бўлади барбод  
Ҳақиқий бойликни кирит қўлингга,  
Икки қулик нарса учун бўлма шод!

• Ғазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулоим киши шундай кишики, ғазаб ўтини жидду-жаҳд билан танидан чиқара олади.

**Байт:**  
Ғазаб келса ундан енгилмоқ нуқсон,  
Ғазабин енгилги ҳақиқий марддир.

• Маъмун ўз даврида машҳур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз токи ундан кўнчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйилганларни айтди: «Киши учун энг фойдали ҳислат — ғазаб келганда ўзини босиш, сукут сақлаб жим туриш, ғазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни оғритадиган сўзларни гапирма, топишингга қараб харж қил, киримдан ортиқ чиқим қилсанг ўзгаларга муҳтож бўлиб қоласан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишри қаҳру ғазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганингда уларнинг номини ёмонлаб тилга олма. Биров сenga сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдинда айтган ва қулфатга қолганингда ҳамроҳ бўлган кишинингга дўст деб бил!»

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Аллоҳни англаб етмоққа руҳнинг юксак камолоти талаб этилади, бунинг учун ёлғиз ибодатнинг ўзинга кифоя эмасдир. Балки тоат-ибодат билан бирга ҳалол меҳнат қилмоқ керак бўлади.

Муборак ҳадисда айтилганидек, ибодат ўн қисмдан иборат бўлиб, шундан тўққизтаси ҳалоллик талаби, қолган биттаси эса — ибодатдир. «Дил ба ёру даст ба кор» — кўнглинг ёр(худо)да бўлсин, қўлинг ишда, — нақшбандийликнинг буюк шiori, у қомил инсонлар ҳавтининг маъно-мазмунига айланди. Билимга чанқоқ Лутфуллоҳа Хожа Убайдулло Аҳронинг шогирди Мавлоно Шох Ҳусайн устозлик қилди. Изланиш ва таҳсил йиллари давом этди. Кўп ўтмай бутун Самарқанд ахли хушфёъл, ақлу заковати таҳсинга лойиқ, билими ўткир ёш йигитни ҳурмат билан «Мавлоно», «Мавлоно Лутфуллоҳ» деб атай бошладилар.

Тин билмаган Мавлоно Лутфуллоҳ замонасининг етук алломаларидан сабоқ олди. Марғилонда Шайх Ҳусомиддин қўлида таҳсил қурди, кейин Тошкентда Шайх Мухаммад Қозидан илм сирларини ўрғанди.

Шайх Мухаммад Қози илмда номи чиққан олилардан бўлиб, Хужа Аҳрор Валийнинг суюкли шогирдларидан эди. Шу важдан, чинакам билим олмақчи бўлган кишилар, валийлар унинг суҳбатларидан баҳра олишга интилардилар. Мисол учун, машҳур Аҳмад Хожайи Қосоний, яъни Маҳдуми Аъзам ҳам ул зотнинг энг ардоқлаган шогирдларидан ҳисобланган.

Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий фақатгина хужрада ўқиб, китоблар варақлаб билим олиш билангина чекланмаган, балки эгаллаган билиминини амалда тадбиқ этиш ниятида ўз устози Шайх Мухаммад Қозига ҳамроҳ бўлиб, сидқидил хизмат қилиб, бирга эл-юрт кезиб, эзгулик юлария ва тасаввуф таълимотини халқ ичиде ёйишга интиланган. Оқибатда шогирд ўз фидойилиги ва шижоати билан устозининг ҳурматиға сазовор бўлди, дуосини олди. Келажакда уларнинг авлодлари қуда-андачилик ришталари билан бир-бирларига қаттиқ боғланиб кетганларини ҳам таъкидлаб ўтагимиз, бу ҳам диққатга сазовор ҳодиса ҳисобланади.

Милодий 1515 йилда Шайх Мухаммад Қози оламдан кўз юмганда, юртда нақшбандия тариқатига ўша пайтда кўзга қўринган дин ва давлат арбоби Маҳдуми Аъзам раҳбарлик қила бошлади. Табиийки, Шайх Мухаммад Қозининг кўп шогирдлари сингари Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳам янги устоз оstonасига бош урди ва тездаёқ Маҳдуми Аъзамнинг энг ишончли, иктидорли шогирдига айланди. Улар орасида йил-гирма тўрт ёш фарқ бор бўлса ҳам, устоз ёш шогирдига ўзининг муносиб ўринбосари сифатида қаради. Уттиз йилдан ортиқ давом этган устозу шогирд мақомидаги бу чинакам дўстлик, биродарлик кейинчалик авлодлар тилида дoston бўлиб қолди.

Ўқиб-ўрганиш, изланиш натижасида Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий тариқатнинг ҳудфия илминини пухта билиб олди. Унинг соҳиб қаромат, валий эканлиги эл оғзига тушди. Энди у турли сир-синоату воқеа-ҳодисаларни аввалдан фаҳм эти олади, кура билиш, айтиб бериш салоҳиятини намоён эта бошлади, муриду мухлис сони орди.

Муридлари ичиде юртнинг таникли кишиларини, давлат арбобларини учратиш мумкин бўларди. Масалан, ўн олтинчи аср ўрталарида Тошкент ҳокими бўлган шайбоний Амир Бароҳон Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийға ихлос қўйганлардан эди, у муридлик мақомида ҳамisha пир билан кенгашиб давлат ишларини олиб борган ва эл ичиде адолатли ҳукмдор сифатида ном чиқарган, танилган. Бу борада тадқиқотчиларимизнинг изланишлари ҳали янгидан-янги аjoyиб маълумотларни намоён этиши шубҳасиздир.

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг эл-юрт ҳурматиға, халқ муҳаббатига сазовор бўлганлиға яна бир сабаб, бу унинг халқпарварлиги, кўнглинг оғирини енгил қилишға қаттиқ бел боғланлиги ҳам эди. Қаерга қадама тегса, ўша ерга фойз кириб, бирон ариқ, сардоба, кўприк экки кориз пайдо бўларди. Юртнинг чинакам ҳадуҳосига айланган, катта-кичикнинг туй-хашамий дейсизми, бошқа ташвишларими, барча-барчасида ҳозирю нозир Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий, бир касби мироблик эканлиги сабаб, бутун Фарғона водийсида сув муаммоларини ҳал қилишда бош-қош эди.

Тадқиқотчиларнинг гувоҳлик беришларича, Чустийнинг Телпақургон, Еркишлоқ, Олмос, Файрат, Шоев, Дубоа, Хисорак қишлоқларида Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ўзи бош бўлиб қаз-

дирган ариқ ховузу қоризлар, оқдирган булоқлар, ҳисоблаб чиқилса, уч юздан ошиб кетар экан. Халқ ичиде Ғовасойдан сув оладиган Чустий ва Тўдасойлар Мавлононинг чизган режаси асосида қазилганлигини ҳозир ҳам гапирдилар. Мазкур сойлар, мана беш юз йилдири, оби ҳаёт билан тўлиб оқди, элнинг қори хайриға яраб келади...

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий Чодақда туғилиб ўсган ҳолида ҳозир ул зотнинг авлодлари истиқомат қилади. Ҳолида беш аср ингари қурилган икки мўъжаз хона ҳамда кейинроқ қурилган пастаққина дарчасиз хона мавжуд. Дарчасиз хонада Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг раъзий қабри бор. Бу ердаги бир туп олма дарахти Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий томонидан экилган, дейишадди. Узоқ умр қурадиган бу олма, ривоят қилишларича, беш юз йил давомида саккиз марта қуёб қайтадан кўкариб, япроқ ёзган экан. Барчаси ул муборак зот номлари билан боғлиқ ва шуниси билан авлодларға азизу

олиб Лангар момага тутқазибди.

Қосим шайх ҳам ўз тўхфасини Лангар момага узатар экан, ҳалиги бир дона уруннинг хуржинда қандай қилиб шундай қовунға айланиб қолганиға ақли етмай, таажубда қолибди ва ичиде Мавлоно Лутфуллоҳ қароматиға тан берибди, аммо сиртиға чиқарибди. Билдирмабди.

Лангар мома бу номдор фозил кишиларни ғойибдан яҳши танир экан. Соҳибни қаромат бўлганлиги учун, фаросатли закий аёл гап намада эканлигини фаҳмлаб етибди. Ҳеч нарсани сезмагандай, очик чехралик билан катта зиёфат берибди, сийлаб меҳмон этибди, бир хил муомалада бўлибди...

Қузатар пайтда, Лангар мома ҳам ҳар бир меҳмонға биттадан қовун тортиқ қилибди...

Зебо аёл меҳмондорчилигидан ҳашууд бўлган ва ташаққурлар изҳор этиб хайр-маънур қилишган Қосим шайх билан Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийлар бироз нари кетганларидан кейин тўхташиб,

Ўзларига тортиқ қилинган қовунларни кўришға ошиқибдилар.

Кизиқ манзара намоён бўлибди. Шайхға тегушли қовун пишиб ўтиб кетган, юмшаб ичи тушган экан.

«Е, ажаб!..» — дебди таажубда

**Мухаммад АЛИ,**  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

**АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР**

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

мўтабардир.

Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳақида жуда кўп ривоят ва афсоналар тўқилган. Афсоналар синган ҳақиқатнинг парчапаридир, деганларидай, улар замирида улкан ҳақиқатнинг зарралари ётади. Тадқиқотчиларнинг томонидан эл оғзидан ёйиб олинган, эл оғзиде юрган афсоналар, нақллар жуда ҳам сиқик, гўзал, сермазмун. Улардан намуналар келтириб ўтмасак бўлмас...

...Водийда икки машҳур шайх бор экан. Бири — энг обрўли улаомлардан ёши улуг, ҳурмати сарбаланд донгдор Қосим шайх, иккинчиси — ундан анча ёш, салоҳиятли, зукко, номи эл оғзига тушиб қолган — Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий. Барча уларга ҳавас билан қарар эканлар. Алломалар кўп вақтларини шарият аҳкомлари ҳақида бахслар билан ўқизишар, муноҳашалар олиб боришаркан. Ичларида эса, пайт топила, рақибимни бир мот қилиб қўйсам, деган ниятлари ҳам йўқ эмас экан...

Иттифоқо, шу пайтлар Шаханддан унча узок бўлмаган қишлоқлардан бирида водий аёллари ичиде дурри якто, кўрку латофатда тенгсиз, донишманду зебо Лангар мома деган аёл кун кечираркан. Унинг овозаси юртни тутиб кетибди.

Кўп одамлар, менга ёрдам қилинг, мана шундай ёш бўлиб қолди, буни тушунтириб беринг, бу ёғи нима бўлади ва ҳоказо турли йўллар билан ул аёлнинг хузурига келишға баҳона излашаркан. Мақсад аслида зебо аёл суҳбатидан баҳраманд бўлиш, бир бош ойдаи жамолиға кўз ташлаш холос... Икки алломани замон ҳам бу овозаларни кўпдан эшитиб, қулоқлари динг бўлиб юрар эканлар-да. Аммо бу ҳақда бир-бириға ҳеч нарса демас эканлар.

Кунлардан бир кун ушбу аёлни зиёрат этишға аҳд қилишибди, кўнглиларида пинҳона мақсадлари — рақибининг олдида нима қилиб бўлса ҳам ул ягонаи давроннинг эътибори-ю меҳрини қозониш, кўпроқ лутфу қарамига эга бўлиш... экан.

«Шунчаки, зиёрат-да, бир ожиза ҳолидан, ҳрели-турмушидан хабар олиб қўйлик...» — дебди Қосим шайх...

«Ҳа, ҳа, ожизалар ҳолидан хабар олмақ қони савобдир...» — дебди Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳам...

Шундай қилиб улар бир-бирларига сир бой бермабдилар.

«Арзиғулик тўхфа билан бормоқ лозим...» — кенгашибди Қосим шайх... — қуруқ бориб бўлмайди...»

«Ҳақ сўзладилар, шайх жаноблари! Қуруқ бориб бўлармиди! Ҳади билан бормоғимиз керак!» — қўлаб-қуватлабди тақлифчи Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий ҳам.

Қосим шайх тўхфаға қимматбахр буюм олибди. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий эса шайхни ҳайратда қолдириб, ўз хуржини тўхфа деб бир дона қовун уругини ташлаб қўйибди холос. Бошқа ҳеч нарса олмабди. Буни кўрган Қосим шайх, Мавлоно ҳадяси бағоят ноҷор бўлди, бизники эса анов-манов эмас, тоза бир жура атлас, топилмайдиган хилидан, илтифот кўпроқ бизға бўлади-да энди, деб ичиде қувониб қўйибди.

Улар зеболар зебоси Лангар мома ховлисиға етиб келибдилар.

Салом-алиқдан сўнг Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий хуржидан гарқ пишган, шираси ўткирлигидан тарс ёрилай деб турган битта ховун

қолган Қосим шайх... Мавлоно қовуни эса, ақсинча, ҳали бироз хом, пишишиға пича бор экан...

«Е, ажаб!..» — дебди Мавлоно... Алломалар ҳайратта тушишибди, бир-бирларига термилганча, доно аёлнинг бундай қилишида қандай маъно яширинганини ўйлаб бошлари қотибди.

Кўпни кўрган донишмандлар бунинг ҳикмати, Қосим шайхнинг ёши ўткирлар қолганиу Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг ҳали бироз ёшроқ эканиға нозик ишора деб, изохлайдилар...

«Бошқа бир ривоятда келтирилишича, кунлардан бир кун Мавлононинг қувуни ва шогирди Хожа Исҳоқ Валий отасининг қабрини зиёрат этгани Даҳбедға бормоқчи эканини маълум қилибди.

Маҳдуми Аъзамнинг ўғли Хожа Исҳоқ Валий Мавлононинг иккинчи қизи Биби Ниқояға уйланган эди. Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий қувунини қузатаётди, нечундир: «қайтганингизда кўп олтин билан келинг!» деб галатирок тилак билдирибди. Хожа Исҳоқ Валий қайинотасиға ҳеч нарса демабди-ю аммо кўнглидан: «Падари бузқуворимнинг қабрларини тавоф этмакка кетаётган бўлсам, олтин зар, ҳазина ахтариб кетаётган бўлмасам... Мавлоно нечун бундоқ дедилар экан?» — қабилида сўзлар кечибди.

Хожа Исҳоқ Валийнинг водийдан ташриф буряётганидан бохабар бўлган Самарқанд хукмдори, — улар эса Маҳдуми Аъзамнинг муридлари эдилар, — катта совға-салому тансуҳот билан кўтиб олибди.

Саройда дабдабали зиёфатлар қилинибди. Меҳмон қайтаётганда унинг хуржинини кўллаб олтин зар, дуру забаржад билан тўлдириб қузатибдилар. Шундагина Хожа Исҳоқ Валий Даҳбедға келаётган чоғида устозлари Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий билдирган тилақни эслаб, ул зотнинг қаромат қилганларини англаб етибди ва ичиде қойил қолди...

«Яна бир ривоятда Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг етук шогирдларидан фасоҳатманд ва зукко Мулло Хасан Ҳожи ҳақида нақл қилинади.

Қабодиллик Мулло Хасан Ҳожи етти йил пирининг хизматини қилгани ва катта хурматға сазовор бўлади. Шунга қарамасдан шогирд қандайдир шайтон шувасасига учиб, кўнглида устозига нисбатан шубҳалар пайдо бўла бошлайди.

Буни сезган устоз бир кун шогирдини хузурига қорлайди ва кизиқ суҳбатта тортади. Суҳбат асосида Мулло Хасан Ҳожи Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий хузуриде сирли равишда уйкуға кетади. Шунда Мулло Хасан Ҳожи туш қуради...

Тушида аjoyиб ороста ва гўзал бир боғда юрганмиш. Мевалар гарқ пишган, олма-ю ноклар, анорлар кўзларни қувнатди, олтиндай товланган узумлар гўё «Мени ол!» дегандай имлайди... Шу палла Мулло Хасан Ҳожи хомиш пайдо бўлиб, гарқ пишган бир бош узумни кўриб олибди. Эндигина бир донасини оғзига солай деганда, уйғониб кетибди...

Уйғониб қараса, қўлида ўша боғдан узиб олган бир бош узум эмиш... Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий шогирдига қулиб қараб турган экан... Хайратта тушган Мулло Хасан Ҳожи дарров ўзини пиринг оёғига ташлаб, ўринсиз шубҳаланганини айтиб, устоздан хабар келтиргани учун кечирим сўрабди...

Бундай нақлларни кўллаб келтириш мумкин.

(Давоми келгуси сонда).

## Шурфа олам

ЎПКА  
САРАТОНИГА  
ҚАРШИ  
ВАКЦИНА  
ЯРАТИЛДИ

Европа олимлари ўпка саратонига қарши вакцина ишлаб чиқишга муваффақ бўлди. У дастлабки синовдан ўтди.

Ўпка саратони - саратон касаллигининг энг оғир шакли ҳисобланади. Унга чалинган беморни асраб қолиш жуда қийин. Биргина Буюк Британиянинг ўзида йилига 31 мингга яқин шу турдаги ҳолат кузатилади. Олимлар буни кашандалик билан изохламоқда.

Вакцинали Канаданинг Biomics Inc ва Merck фармацевтика компанияларида ишловчи олимлар ишлаб чиқди. У таънага инъекция йўли билан 8 ҳафта мобайнида юбориб турилади ва иммунитет тизимининг саратон ўсмасига қарши фаоллиги кучайтирилади.

Янги тиббий вositани синовдан ўтказишда Буюк Британия ва Канададан 171 нафар бемор кўнгилли равишда иштирок этди. Уларнинг биринчи гуруҳи анъанавий усул — кимевий терапия йўли билан даволанди. Қолганларига вакцина берилди. Тажриба якунланганидан сўнг биринчи гуруҳдаги беморлар 13 ой умр кўрди.

Вакцина қандол қўлганлари эса икки йил ва ундан ортироқ яшадди.

Ҳозир мутахассислар синовнинг янги босқичига тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу тажриба икки йил давом этиши керак. Унда турли мамлакатлардан келган мингга яқин бемор иштирок этади.

Маълумотларга қараганда, европалик олимлар саратоннинг яна уч турига қарши вакцина яратиш бўйича ҳам тадқиқот ўтказмоқда.

ВОДОРОД  
БИЛАН  
ЮРАДИГАН  
МАШИНАЛАР

Шимолӣ Америкада водород билан ишлайдиган автомобилларга ёқилги куядиган илк шохобча очилди.

Лойихани АКШ энергетика вазириликнинг таклифига биноан «Шелл» нефть компанияси ва «Женерал моторс» корпорацияси ишлаб чиқди. Янгиликдан мақсад америкаликларнинг экологик хавфсиз машиналарга қизиқишини оширишдир.

Шоҳобчининг очилиш маросимида сўзга чиққан энергетика вазири Спенсер Абрахам, бу янгилик АКШнинг нефть импортига эҳтиёжини камайтиришга ва хаво мусоффолигини сақлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Ҳозирча шохобча Вашингтонга тажриба тариқасида олиб келинган «Женерал моторс» корпорациясининг олти машинасига хизмат кўрсатмоқда.

Мамлакат ҳукумати автомобилларга водород ёқилгиси куйиш шохобчасини яна бир неча жойда қуришни кўзлаб, яқин беш йил ичда 190 миллион доллар сарфлаш ниятида.

«Хайдрожен-3» деб номланган машина оддий ички енув двигатели ўрнатилган автомобиллардан қимматроқ. Корпорация 2010 йилга бориб, анча тежамли, қўлай ва нисбатан арзон автомобилларни ишлаб чиқаришни режалаштирган.

АКШ маъмурияти машинасозлик соҳасидаги бундай янгиликларни қўллаб-қувватлаб, илмий тадқиқот ва тажриба ишлари учун 1,7 миллиард доллар ажратишини маълум қилди.

ЎЗА



Байрам шуқуҳи давом этмоқда.

## КАТТА КОНЦЕРТ ОЛДИДАН

Жорий йилда Алишер Навоий номидаги академик Катта опера ва балет театрининг ташкил топганига 75 йил тўлади. Мазкур сана муносабати билан 20 ноябрда республикадаги энг яхши яккахон хонандалар иштирокида гала концерт уюштирилади.

— Ўтган давр мобайнида бу катта театр сахнасида кўлаб талантли артистлар, ноёб овоз соҳиблари, машҳур бастакорлар фаолият кўрсатган, — деди музей директори Бахтиёр Ёқубов. — Юбилей куни томошабинлар ўлмас асарлар қаторида яшаб келаётган энг яхши спектакллари томоша қишларига умкин. Юбилей кечаси муносабати билан театримиз сахнасида энг яхши спектакллар тақдим этилади.

Ўтказилиши мўлжалланаётган концертга Россия, Латвия ва Қозғистон давлатларидан меҳмонлар ташриф буюриши мўлжалланмоқда. Юбилей куни Латвия миллий балетининг ба-

лериалари Юлия Гурвич ва Алексей Овечкинлар иштирокида «Дон Кихот» спектакли намойиш этилади.

Б. Ёқубовнинг таъкидлашича, давр бугун театр олдида нафақат ижодий фаолиятни, балки ташкилий ишлари ҳам яхшилашни тақозо этмоқда. Афсуски, айна пайтда гоъвий-бадий жиҳатдан юқори савиядаги спектаклларда рол ижро этувчи хонандалар билан бирга театрининг ташкилий-молиявий жиҳатдан яхши бошқара оладиган менежментларга ҳам эҳтиёж сезилмоқда.

Тиллаҳўжа АЛИМУҲАМЕДОВ,  
«Туркистон-пресс»

Кунни кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистонда ягона «Лаззат» назандачилик журналининг тақдирот маросими бўлиб ўтди.

— Назандачиликнинг серкирра тамойиллари, услуб ва таом тайёрлаш жараёнларини кенг омаллаштириш, ошпазлик, қандолатчилик, нововиччилик оддий касб бўлмаб балки санъат эканлигини муштарийларимиз қалбига сингдириш журналимизнинг асосий вазифасидир, — деди жумладан тақдирот маросимида сўзга чиққан журнал муҳаррири Суннатилла Сулаймонов. — Донларимиз таъкидлаганидек таом нафсини қондириш учун эмас, балки ўз маза-тисини, фойдали жиҳатлари, тўйимлилиги билан инсон танасига лаззат бағишлаши керак.

Яхши ниятлар билан ташкил қилинган мазкур журнал наинки ҳар бир ўзбек хонадонига чин маъ-

нода лаззат олиб киришга, балки, юртимизда фаолият кўрсатаётган хориж-

шоҳиди бўлганмиз. Шу гуруҳ ҳисси мазкур лойиҳани амалга оширишга т у р т к и бўлди.

Журналнинг ўзбек тилидаги нашри том маънода оилавий, рус ва инглиз тилларида нашр қилинадигани эса, миллий қадриятларимиз, миллий пазандачилигимиз тарғиботчиси бўлиб қолишига ишонамиз. Журналнинг ўзбек тилидаги сони 2005 йилдан бошлаб ҳар ойда, рус ва инглиз тилида чоп этиладигани эса 2-3 ойда бир марта чиқиши режалаштирилмоқда.

Биз «Лаззат» журнали орқали бўрсилдоқ ўзбек оналари, таомлар шоҳиди бўлган ошлари, қабобу, сомсалари, жамики нозу неъматлари дунёнинг барча қитъаларида ўрганилиб, севиб истеъмол қилинишига ишонамиз ва бу эзгу йўлда фаолият кўрсатуви таҳририят ижодкорларига омад тилаб қоламиз.

Гулчехра ДУРДИЕВА

ЎЗБЕК УСТАЛАРИ  
КЎРГАЗМАСИ

Франциядаги Божанси шаҳрида Ўзбекистон амалий санъат асарлари кўргазмаси очилди. У республика «Усто» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва мамлакатимизнинг Франциядаги элчихонаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида Божанси шаҳри мэри Клод Бурдан Самарқанд, Бухоро, Хива меъморий дурдоналарига юқори баҳо бериб, ўзбек халқ хунарамандлари асарлари унда катта таассурот қолдирганини эътироф этди. У шунингдек, Божанси ва Ўзбекистон шаҳарларидан бири

ўртасида биродарлик алоқаларини ўрнатишни тақдир қилди.

Маросимда сўзга чиққан шоир ва маданиятшунос К.Футрел «Буюк ипак йўли марказида жойлашган Ўзбекистон маданий мероси Осиё цивилизациясининг бешигидир. Ўзбекистон ҳукумати томонидан хунарамандчиликни ри-

вожлантиришга катта эътибор берилаётгани эса муҳим аҳамиятга эга» деб қайд этди.

Франциялик санъаткорлар томонидан ўзбек миллий музыка асбобларида намойиш этилган концерт дастури эса йилбилан катта таассурот қолдирди. Ушбу ижодий гуруҳ келаси йил апрель ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган Сальвадор Дали асарлари кўргазмасида иштирок этади.

«Жаҳон» АА

Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти томонидан қатор янги тўпламлар чоп этилди. Инсон саломатлигига бағишлаб босмага тайёрланган бу китоблар ўз мавзу ва мундарижаси билан ҳам ажралиб туради.

ТИББИЁТ  
КОЛЛЕЖЛАРИ УЧУН  
ҚЎЛЛАНМАЛАР

«Тиш жарроҳлиги стоматологияси ва юз-жағ травматологияси» деб номланган ўқув адабиётининг чоп этилиши айна мурда бўлди. Тишларни доволаш бўйича мамлакатимизда илк бор нашр қилинган бу йирик қўлланма бўлажак мутахассисларни шу соҳага оид билимлар билан қуролантиради.

Стоматология ва травматологиянинг илмий назарияси ва амалиётига доир маълумотлар давр талаби асосида ёритилган. Бу эса тиббиёт коллежларида таҳсил олаётган ёшларда касбий-амалий фаолият билимларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Нашриёт чоп этган навбатдаги ўқув қўлланмаси «Болалар касалликлари ва уларнинг анатомик-физиологик хусусиятлари» деб номланди. У болалардаги хасталикларни илмий ва амалий асосда ўрганиш ҳамда даволашда тиббиёт оламида ортирилган бой тажрибаларга таянган ҳолда босма юзини кўрди.

Китобда бир ёшгача ва ундан катта бўлган болалар саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим жиҳатлари билан боғлиқ масалалар кенг ёритиб берилган. Турри парваришлаш, овқатлантириш, ҳамда соғлом қилиб voyга етказишда тиббиёт хамшираларининг тутган ўрнилари ҳам илмий-услубий жиҳатдан пухта ишланган.

Ушбу нашрнинг «Табобат ва педиатрия», «Соғлом бола», «Болалар касалликлари», «Болаларда ички аъзолар касалликлари», «Юкумли касалликлар» сингари бўлимлари ҳам билимдонлик билан тайёрланган.

Айна вақтда соғлом болани ўстиришнинг, хасталанган гудакни доволанишнинг фойдали муолажавий йўллари ҳам мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазириликнинг ўрта махсус, касб-хунарт тиббиёт коллежлари учун дарслик сифатида тақдим этилди.

Янги дарсликдан педиатрия йўналишида фаолият кўрсатаётган хамширалар, доялар ва фельдшерлар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Акбар АЛИЕВ

## Мақдони

«ЛАЗЗАТ»НИНГ  
ЛАЗЗАТИДАН  
БАҲРАМАНД  
БЎЛИНГ

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий қадриятларимиз, азалий урф-одатларимизга эътибор кучайди. Жумладан, бошқа соҳалар қатори ажодларимиздан бебаҳо мерос бўлиб келаётган назандачилигимизнинг қадимий анъаналари қайта тикланиб ривожланмоқда. Айна миллий назандачилигимизнинг тарихий ва замонавий услубларини ёритиб бориш мақсадида «Лаззат» журнали ташкил қилинди.

ликлар орқали жаҳонга машҳур-манзур бўлиши борасида ҳам дадил қаламлар ташланмоқда.

— Биз, — дейди «Лаззат» журнали лойиҳаси раҳбари Музаффар Мирзо чет давлатларга хизмат сафари чоғида ерлик аҳолининг мамлакатимиз санъати ва маданиятига, мафтункор меъморий обидаларига, урф-одатларига, айниқса миллий назандачилигимизга қизиқишлари жуда катталигини бир неча бор



**Футбол**

**ЧЕМПИОН-НИНГ САФАРДАГИ ГАЛАБАСИ**

Мамлакат XIII миллий чемпионатининг 25-тур бахслари шахримиз шарафини химоя қилаётган «Пахтакор» ва «Трактор» жамоаларига муҳим уч очкони ҳада этган бўлса, олий лиганинг янги вакили «Локомотив» «Насаф»га имкониятни бой бериб мухлислари кўнглининг ранжишига сабаб бўлди.

Бундан ўн кун аввал Наманганда «Навбахор» жамоасига 1:0 ҳисобида мағлубиятга учраб барчани ҳайратга кўйган «Пахтакор» жамоаси футболчиларийўл қўйилган ҳато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқаришди шекилли, «Самарқанд — Динамо» жамоасига қарши меҳмонда тўп суришган бўлсаларда яна ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишди. Дарвоқе, турнир жадвалининг куйи погонасида келаётган майдон эгалари ҳам «Пахтакор»га муносиб қаршилик кўрсатишди. Бироқ, тажриба, маҳорат бобида мезбонлардан устунлик қилган меҳмонлар учрашувни 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал эта олишди. Дарвозаларга тўллари «Пахтакор»дан Алиқуллов, Пономарёв, «Самарқанд — Динамо»дан Раҳмоновлар йўллади.

Турнир жадвалининг бешинчи погонасида мустаҳкам ўрнашиб олган «Трактор» жамоасига ҳам ушбу турда омад кулиб боқди. Ўз майдонида «Сурхон» жамоасини қабул қилган тошкентликлар бу сафар ҳам ушқоқ ҳаракат қилиб, меҳмонлар дарвозаси олдида кўпгина хавфли вазиятларни содир этишди. Кетма-кет уюштирилган ҳужумлар самара бериб муросасиз бахс 2:1 ҳисобида «Трактор»нинг галабаси билан аяқланди. Мухлисларга завқли ойнари ҳада этган голларни дарвозаларга «Трактор»дан Мўминжонов (2 та), «Сурхон»дан Исақуллов киритишди.

Ўзининг чиройли ўйналари билан мухлисларини шод этиб кучли олтиликдан ўрин эгаллаб келаётган «Локомотив» ушбу турда «Насаф» жамоасига Қаршида 5:1 ҳисобида энгилиб мутахассислару мухлисларни ҳайратга солди.

Қолган учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди: «Навбахор» — «Андихон» — 5:0, «Кизилқум» — «Нефчи» — 0:2, «Сўғдиёна» — «Машъал» — 1:3, «Бухоро» — «Металлург» — 2:0.

Жорий йилги мавсумнинг сўнги 26-тур беллашувлари 20 ноябрда бўлиб ўтади.  
**Анвар ЙЎЛЧИЕВ**

**Кўرғазмалар**

**САРА АСАРЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА**

Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат марказида рангтавирчи расом Пётр Мордвинцев таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан кўрғазма очилиб, унга хотира кечаси улаиб кетди.

Ушбу кўрғазма Ўзбекистон Бадий академияси Замонавий санъат маркази ҳамда Рус маданият маркази ташаббуси билан ташкил этилди. «Бизнинг мерос» туркумидаги бадий кўрғазма бу йил таваллудига 75 йил тўлган рангтавирчи расом Пётр Мордвинцев асарлари намойиши, ҳамда унинг ҳамкасблари, дўсту биродарлари, яқинлари, шунингдек, санъат мухлислари иштирокидаги хотира кечаси билан бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Пётр Мордвинцев ижоди жуда ранг-баранг. Унинг ижоди мавзувий композициялар, тарихий полотнолар, таниқли инсонлар портрети, манзара ва натюрмортлардан иборатдир. Расомнинг асосий мавзуси — тулпорлардир. У отларни ҳар ерда, айниқса, турнирлар, халқ байрамларида кузатар ва тасвирга туширишга ҳаракат қилган.

Расом мусика садолари остида ўзининг рангтавир асарларини яратди. Чунки, мусика расомнинг лирик, сокин образларини яратишга илҳом бағишлайди. У доғишманд мўйсафид ва

кўлаб бошқа образларни маҳорат билан тасвирлаган. Расом қаламига мансуб манзараларни томоша қилиш орқали Чимён, Хива, Нанай кўринишларини тез илғаб олиш мумкин. Зеро, расомнинг барча асарларини ифодалилик, нафислик, мусиқийлик асосида яратилган десак адашмаймиз.


Янги очилган кўрғазмада П.Мордвинцевнинг композицияси ва ранглари жиҳатидан пухта, қизиқарли ишланган асарлари ўрин олган.

Расомнинг Бадий кўрғазмалар дирекцияси, Давлат санъат музейи ва хусусий тўпламлардан муносиб ўрин олган 100 га яқин асарлари намойиш қилинмоқда. Кўрғазма 20 ноябргача давом этади.

**Юлдуз УСМОН**

**СУРАТЛАРДА:** кўрғазмадан лавҳалар.

**Владимир Гранкин** олган суратлар.



Ёнғин. Бу сўзни эшитган ҳар бир инсон сесканиб кетади. Чунки олов инсонларнинг хонадонига фақатгина иссиқлик, файз олиб келмай, унинг иккинчи, яъни уйларга фалокат ва гам келтирадиган томони ҳам бор.

**Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**

**БАРЧАМИЗ ЯҚДИЛ БЎЛАЙЛИК**

Статистик маълумотларга кўра, ер юзиде ҳар дақиқада 500-600 та ёнғинлар содир бўлиб, унинг оқибатида 15 дан 60 тагача инсонлар ҳалок бўлади. Бу рақамлар устида бир ўйлаб кўринг. Ахир статистика рақамлари йилдан йилга кўтарилиб кетиши мумкин. Ҳар бир рақам ортида эса кимнингдир ёнғон хонадонини ҳамда оловдан тан жароҳати олган ва энг ачинарлиси, ёнғин оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмган яқин инсонни турибди.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар уй-жойларида содир бўлмоқда ва уларнинг келиб чиқишига асосан ўзимиз айбдоримиз. Бунга мисол тариқасида газ босими ёки электр токи қуввати кўтарилганда, уйда ёш болаларни қаровсиз қолдирганда ўзимиз эҳтиёткор, зийрак бўлсак, ҳамда ўз вақтида ушбу анжомларнинг назоратини кучайтирсак содир бўлаётган ёнғинларни камайтирган, инсонларнинг ҳалок ёки жароҳатланишининг олдини олган бўлардик.

Собир Раҳимов туманида 2004 йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида 109 та ёнғин содир бўлиб, унинг оқибатида 1700000 сўмлик моддий зарар етказилди.

Содир бўлган ёнғинлар натижасида кишиларнинг ҳаётдан кўз юмиши холлари юз бермаган, лекин икки киши турли даражада тан жароҳати олган. Юқориде кўрсатилган ёнғинлар таҳлили туман ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар оқибатида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,1 фоизга қисқарганлигини кўрсатиб турибди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига асосан 10 ноябрдан 10 декабрга қадар юртимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда. Унга кўра республика вилоят, шаҳар ва туманлари аҳоли яшаш пунктлари ва халқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш қорхоналарида ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш:

аҳоли, ишчи-хизматчилар ва ўқув юртлари талаба ўқувчилари орасида кенг кўламда тушунтириш ишларини олиб бориш, масканларни бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш ва ёнғинга қарши сув таъминоти манбаларини соз ҳолга келтириш, ёнғинларда инсонларнинг ҳалок бўлишига йўл қўймаслик ойлигининг асосий вазифаси этиб белгиланган. Ушбу долзарб ишлар фақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши бўлибгина қолмай, балки барча фуқароларимиз ҳам, қорхона, ташкилот, муассасалар яқиндан ёрдам беришса биз меҳнат вазига келаётган миллий ва маънавий бойлигимиз, иншоот ва биноларимизни ўт балосидан сақланишига улуш қўшган бўламиз.

**Гофуржон МЎМИНОВ,**  
**Собир Раҳимов**  
**туман Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими бошлиғи.**

**Хўжалик оритиқви субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар қўшмайтига!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қoшида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳаланангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



Шунақаси ҳам бўлади.

Абдуракул Ҳақимов чизган расм.



Муассис:  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
электрон — 133-28-95, 133-11-39;  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усундан босилади.  
2812 тиражада босилади. Қоғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чикади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри оқибат бериш масалалари бўйича турар хойлардаги пoтта бўлимларга ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханаси.  
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.